

“КЕЛИШИЛДИ”

Жиззах давлат педагогика
Институтини касабани уюшмаси
раиси Д.Очиллов
« 12 » 2021 й



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Жиззах давлат педагогика институтини
ректори Ш.Шарипов
« 12 » 2021 й



Ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича
йўриқнома



Жиззах 2021 йил

Ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқнома

1. Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 2000 йил 7 январда Адлия вазирлигида 870-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Йўриқнома муассаса ходимларининг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш - бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

1.1. Ҳар бир ходим, шу жумладан раҳбарлар ишга қўйилишидан олдин меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишни бехатар олиб бориш бўйича йўриқлардан ўтказилиши ва ушбу ҳақида махсус журналга қайд этилиши лозим.

1.2. Ходимлар ўзларининг малакаси ва иш стажидан катъий назар, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича иш жойида “Дастлабки” ва ҳар чоракда “Даврий” йўл-йўриқ оладилар.

II. Хавфсизлик бўйича умумий талаблар

2.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ёнгин хавфсизлиги бўйича йўриқнома талабларига, ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиши шарт.

2.2. Шахсий гигиена қоидаларини билиши ва унга амал қилиши лозим. Иш жойида чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш маън этилади.

2.3. Компьютер ва бошқа техник жиҳозларни ишга тайёрлаш тартиби, уларни созлигини ва бутлигини текшириш усулларини билиши лозим.

2.4. Ўт ўчириш воситаларининг қаерда жойлашганлигини ва ундан фойдаланишни ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни билиши, ёнгин содир бўлганда бу ҳақда раҳбариятга хабар бериши ва ёнгинни бартараф этиш чораларини кўриши керак.

2.5. Шаҳра чиқиш йўллари ҳамда иш вақтида ва фавуқлодда вазият содир бўлганда ҳудудда ҳаракатланиш йўналишларини билиши лозим.

2.6. Ҳар бир ходим иш жойини меҳнат муҳофазаси, электр хавфсизлиги меъёрий талаблари асосида ташкил қилиши, ўзига топширилган техника қурилмаларини саранжом ва озода сақлаши шарт. Компьютерлар, принтерлар ва бошқа оргтехник воситалар мураккаб электрон қурилма ва микропроцессорлардан тузилганлигини инобатга олган ҳолда, улардан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш талаб этилади. Компьютерларни яхши ўрганмай ишлатиш, бириктирувчи кабелларни нотўғри улаш электр токи билан оғир жароҳатланишга олиб келиши, аппаратларнинг қуйишига сабаб бўлиши мумкин.

2.7. Иш столлари, шахсий компьютер тоза бўлиши, иш жойида ортиқча қоғоз, ишга таълуқли бўлмаган буюмлар, овқат қолдиқлари бўлмаслиги лозим.

III. Иш бошлашдан олдин амал қиладиган хавфсизлик талаблари

3.1. Иш бошлашдан олдин ходим ўз иш жойини текшириб, уни етарли даражада ёритилганлигига ва нарсалар билан тўсиб қўйилмаганлигига ишонч ҳосил қилиш зарур.

3.2. Электр тармоғига уланган розетка, включателлар созлигини, компьютерни электр таъминоти тармоғига химояланган электр узайтиргич орқали уланганлигини текшириш лозим.

3.3. Ёнгинга қарши воситаларнинг мавжудлигини ва созлигини текшириш керак.

IV. Иш вақтида амал қиладиган хавфсизлик талаблари

4.1. Иш жараёнида ходим барча хавфсизлик талабларига риоя қилиши шарт.

4.2. Ишчи ўринларини тоза ва озода сақлаши лозим.

4.3. Компьютер ва нусха кўпайтириш ускуналари ўрнатилган хоналардаги пол, столлар ҳар куни ҳўл латта билан артиб турилишига эътибор бериши керак.

4.4. Жиҳозларнинг соз, иш ҳолатида бўлиши устидан назорат олиб бориши, ҳаракатдаги механизм ва техникаларнинг ҳаракатланувчи жойларига, қучланишдаги электр симларга тегмаслиги лозим.

4.5. Иш жараёнида эҳтиёткор бўлиши, нотаниш бўлган ускуна ва техник воситаларни техник йўриқномаси билан танишиб чиқмасдан, уларни ишлатмаслик керак.

4.6. Ўзини ёмон ҳис қилганда ишни тўхтатиши, иш ўрнини хавфсиз ҳолатга келтириши, раҳбариятни огоҳ қилиши ва ёрдам учун шифокорга мурожаат қилиши керак.

4.7. Хоналарда компьютерлар шундай жойлаштирилиши керакки, мониторнинг орқа ва ён тарафларига ходимлар 0,5 метрдан яқин масофага келишига йўл қўйилмаслик лозим.

4.8. Компьютер техникасида ишлашда қуйдаги хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш керак:

- стулнинг баландлиги унда ўтириб ишловчига шундай мослаштирилиши керакки, унинг кўзлари монитор экранининг юқори қисмига тўғри келсин;
- монитор билан оператор кўзлари орасидаги масофа 60-70 см бўлиши керак;
- компьютерда узоқ муддат ишлаш натижасида бош айланиши, кўнгил озишини олдини олиш мақсадида ҳар соатда 10-15 дақиқа дам олиш керак, бунда монитор қаршисида ўтирмаслик тавсия этилади;
- компьютерда ишлаётганда букчаймасдан, олдинга салгина энгашган ҳолда тўғри ўтириш ҳамда тирсак ва тиззаларнинг букилиш бурчаклари катталиги 90 градусдан кам бўлмаслиги керак;

- компьютердан одатдагидан ташқари овоз чикса, куйган хид сезилса ёки ўз-ўзидан ўчиб қолса, электр розеткадан узиб, “Техник хизмат кўрсатиш” муҳандисларига зудлик билан мурожаат қилиш лозим;
- кучланиш ўзгариб турса ёки электр токи ўчиб қолса, компьютерни тармоқдан узиб қўйиш лозим.

4.9. Компьютерларда ишлаш вақтида қуйдагилар катъиян ман этилади:

- компьютерда ишлаш қодалари билан танишмасдан ишлаш;
- компьютерни бириктирувчи кабелларнинг ўрнини ўзгартириш;
- монитор, процессор ва клавиатуранинг ичини очиш;
- процессорни ўчиргандан кейин дарҳол уни қайта ёкиш (қайта ёкиш учун камида 3 дақиқа кутиш лозим);
- нам кийим ёки кир ва ҳўл қўллар билан ишлаш;
- компьютер ёкилмаган бўлса, клавиатура тугмаларини босиш;
- компьютер техникаси жойлашган хоналарда овқатланиш.

V. Авария ҳолатида хавфсизлик талаблари

5.1. Иш жиҳозларнинг носозлигини аниқланганда ва иш жараёнида авария ҳолатлари содир бўлганда ходим қуйдагиларни бажариши зарур:

- ишни тўхтатиши;
- зудлик билан раҳбариятни огоҳлантириши ҳамда авария ҳолатини бартараф қилишга киришиши;
- ходимлар билан бахтсиз ҳодиса содир бўлганда зудлик билан тиббий пунктга хабар бериши ҳамда улар келгунча қадар биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши, раҳбариятни огоҳлантириши.

VI. Электр жиҳозлар билан ишлаганда хавфсизлик қодалари

6.1. Электржиҳозларни ишлатиш пайтида маън этилади:

- носоз электр токи билан ишловчи жиҳозларни ва изоляцияси кетган электр сим ва кабелларни ишлатиш;
- бузук розетка, рубильник ва бошқа электр анжомлардан фойдаланиш;
- электр чойнак ва бошқа қизийдиган анжомларни тагига қўйиладиган иссиқни изоляция қиладиган жиҳозсиз ишлатиш;

- электр щит олдига ёнувчи модда ва материалларни қўйиш;

- архивларда электр иситувчи анжомларни ишлатиш ва штепсел розеткаларни ўрнатиш

6.2. Электр жиҳозлар билан ишлаганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш.

6.3. Электр тоқларини бўлиб берадиган шкафлар (электрощит) эшигини очиш, юқори қувватли ток бор жойларда иш олиб бориш фақат махсус ваколатли бор шахсгаги рухсат этилади;

6.4. Электр жиҳозлар фақат махсус ваколатга эга шахс томонидан таъмирланиши керак.

6.5. Электр жиҳозлардаги барча аниқланган камчиликлар бўйича дарҳол махсус ваколатга эга масъул шахсга хабар бериш керак.

6.6. Битта элект уяга (розетка) факт битта жиҳозни улаш керак.

6.7. Иш тамом бўлганидан сўнг, барча электр жиҳозларни ўчиринг.

VII. Ёнғин хавфсизлиги талаблари бўйича

7.1. Ҳар бир шахс ёнғин чиққанда ёки унинг аломатлари пайдо бўлганда (ҳарорат кўтарилиши, тутун чиқиши ва х.к.) қуйдаги ишларни бажариш зарур:

- дарҳол муассаса раҳбарига ва кейин зарурият бўлса телефон орқали ёнғин ўчириш хизматига (шунда объект манзили, ёнғин чиққан жой ва фамилияни айтиш зарур) хабар бериш.

- имконият борича одамларни эвакуация қилиш, ёнғинни ўчириш ва моддий қимматликларни сақлаш бўйича чоралар кўриш.

7.2. Ёнғин чиққан жойга етиб келган ёнғин хавфсизлиги бўйича жавобгар шахслар қуйдаги ишларни бажариш зарур:

- раҳбариятни, жавобгар навбатчини хабардор қилиш;

- одамлар ҳаётига хавф туғилган ҳолатда дарҳол уларни қутқаришни ташкил қилиш;

- ёнғинга қарши ўчириш системаларни ишга тушишини текшириш;

- зарурият бўлганда электрэнергияни ўчириш (ёнғин хавфсизлиги бўйича системалардан ташқари) газ, сув коммуникацияларни ёпиш, шу ва қўшни хоналардаги вентиляция қилиш системаларни ишини тўхтатиш;

- бинодаги, ёнғин ўчириш билан боғлиқ бўлган ишлардан ташқари, барча ишларни тўхтатиш;

- ёнғин чиққан жойдан ўт ўчиришда қатнашаётган хизматчиларни чиқариб қўйиш;

- ўт ўчириш хизмати келгунча ёнғин ўчириш бўйича барча ишларни бошқариб бориш;

- ёнғин ўчиришда қатнашаётган одамларни техника хавфсизлиги талабларига риоя қилишларини таъминлаш;

- ёнғин ўчириш билан бирга моддий қимматликларни эвакуация ва ҳимоя қилиш ишларини ташкил қилиш;

- ўт ўчириш командасини кутиб олиш ва ёнғин чиққан жойига борадиган энг яқин йўлни кўрсатишда ёрдам бериш.

7.3. Ёнғин ўчиришда ёниб турган жойга ёнғин ўчирадиган моддаларни сепиш йўли билан амалга ошириш керак.

7.4. Муассасада ёнғин ўчириш учун қуқунли (порошокли) ўт ўчиргичлар мавжуд. Улар билан қаттиқ нарсалар, суюқликлар, газ, қучланиши 1000 вольтгача бўлган электрусуналарини ўчириш мумкин. Ёнғин ўчириш учун ўт ўчиргични халқаси узилади ва дастаг босилади, бунда ўт ўчиргичнинг қуқун чиқарувчи тешигидан қуқун 0,5-1,0 м масофадан ёнғинга сепилади. Ёнғин ўчириш пайтида ойналарни очиш, вентиляцияни ёкиш ман этилади, чунки бу ёнғинни тез ривожланишига олиб келади.

7.5. Электр токи қучланишида бўлган анжомларда чиққан ёнғинни сув ва қўпикли ўт ўчиргичлар билан ўчириш катъиян ман этилади.

7.6. Ишлатилган ва носоз ўт ўчиргичларни ёнғинга ташаш мумкин эмас, чунки бу ўт ўчиргичларнинг портлашига олиб келиши мумкин.

- 7.7. Ёнгин ўчириш пайтида ёнгин билан бинодан чиқиш жойлари тўсиб қўйилмаганлигига қараб туриш зарур.
7.8. Ёнгин ўчирилгандан кейин хоналарни тутундан тозалаш мақсадида хавосини алмаштириш керак.

VIII. Йўл ҳаракати қоидалари бўйича

- 8.1. Катта йўлнинг чеккасидаги махсус йўлакчадан юриш, йўлакча бўлмаган жойда қарама-қарши йўналиш бўйича йўлнинг четидан юринг.
8.2. Йўлни фақат махсус ажратилган жойдан кесиб ўтинг. Йўлнинг бир четидан иккинчи четига ўтишда ер ости йўлларида (тоннель) ва темир йўлларни кесиб ўтишда кўприклардан ёки махсус жойлардан фойдаланинг.
8.3. Йўлни кесиб ўтишда албатта хавфсизликка ишонч ҳосил қилингандан сўнг ҳаракат қилинг (биринчи чап томонга, транспорт йўқлигига ишонч ҳосил қилганингиздан сўнг ҳаракат қилинг ва йўлнинг ўртасига борганингиздан кейин ўнг томонга қаранг ва транспорт йўқлигига ишонч ҳосил қилганингиздан сўнг ҳаракат қилинг).
8.4. Яқинлашаётган транспортни олдидан югуриб ўтиш ман этилади.
8.5. Релсада ҳаракат қиладиган транспортни олди томонидан, бошқа транспортларни эса орқа томонидан айланиб ўтинг.
8.6. Йўлни кесиб ўтаётганда йўловчилар учун мўлжалланган светофорни фақат яшил чироғи ёнганда ҳаракат қилинг.
8.7. Автобус, трамвай, троллейбусни фақат махсус тўхташ жойларида (бекатда) улар бўлмаса йўл четидан йўлакчада (йўл четидан) кутинг.
8.8. Транспорт воситаларига чиқишда ва тушишда фақатгина транспорт воситалари тўхтаганидан сўнг амалга оширинг.
8.9. Хизмат сафарларига борганда йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этинг.

IX. Иш жойларида қуйидагилар маън этилади

- иш жойида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва ишга маст ҳолатда келиш;
- бинонинг қаватлари орасидаги зинапоялардан югуриб чиқиш ва югуриб тушиш;
- ҳар қандай электр ишларини амалга ошириш;
- хоналарда қўлбола электр жиҳозлардан фойдаланиш;
- иш жойларида тамаки маҳсулотларини чекиш.

X. Иш тамомлангандан сўнг амал қиладиган хавфсизлик талаблари

- 10.1. Иш якунида ходим қуйидаги ишларни бажариши лозим:
- барча техник жиҳозларнинг ўчирилганлигига ишонч ҳосил қилинг;
 - иш ўрнини, жиҳозларни тозаланг ва жой-жойига қўйиб, тартибга келтиринг;
 - хонадаги электр ёриткичларни ўчиринг;
 - иш жараёни давомида аниқланган камчиликларни раҳбариятга маълум қилинг.

XI. Йўриқномани бажармаганлик учун жавобгарлик

- 11.1. Ходимлар хавфсиз меҳнатни ташкил қилиш учун ушбу йўриқномада кўрсатилган талаблар ва техника хавфсизлиги қоидаларни бажаришлари шарт.
11.2. Ушбу йўриқномани бажармаган айбдор шахслар ички меҳнат тартиби қоидаларига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортиладилар.

Меҳнат муҳофазаси муҳандиси;

М.Ибрагимов